

Xabar

33
(1039)-son

17-avgust

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2012

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

Компьютер o'yinlari bo'yicha
O'zbekiston chempionati
UCG BEELINE 2012

Чемпионат Узбекистана
по компьютерным играм
UCG BEELINE 2012

Играй с Билайн!
Качай бесплатные игры
<http://games.beeline.uz>

Подробности на сайте:
www.infocom.uz



Тинчлик қанот бўлсин, Ўзбекистонга!

Ватани қашф этиб бўлмади, у юракларда тугилади. Ватан биз билан бирга улғайиб, биз билан ифтихорга тўлади. Дунё қарвонлари интилган, гуллаган боғлари бетакрор, оқ тоғлари пурвиқор, инсонлари бунёдкор шу азиз она юрт — Ўзбекистонимизнинг йигирма бир йиллик тўйи яқинлашмоқда.

Президентимиз томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарор қалбларга байрам шуқухини жойлади. "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори юрагимиздан чиққан сўзларга айланди.

Қутлуг кунлар, катта довонлар олдида сарҳисоб қилиш, ўтган кунлардан рози бўлиш инсон қалбида шукроналик туйғусини шакллантириши, фахру ифтихорни юксалтириши табиий. Бундай руҳият кишини улуг мақсадлар сари етаклайди.

е-спорт:

Улар Жаҳон чемпионатига боришади!

Компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати

Компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати якунланди. Мусобақа натижаларига кўра, FIFA 2011 ўйини бўйича биринчи ўринни эгаллаган Кирилл Тўлаганов ҳамда Counter Strike жамоавий ўйинида голибликни киритган Storm жамоаси (таркиби: Ниёзи Ибрагимов, Сервер Керимов, Тимур Низомов, Дилшод Мажидов ва Ришат Гизделханов) шу йили Хитойда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатига йўлланмаларни қўлга киритди.


5-бет

3-бет

Сўнги янгилик!

Япониянинг Куосера компанияси бир дақиқада 152 метр (A4 ўлчамдаги 512 саҳифа) узунликда чоп эта олувчи жаҳондаги энг тезкор принтерни ишлаб чиқди. Солиштирадиган бўлсак, анъанавий офис принтерлари бир дақиқада A4 ўлчамли 12-16 саҳифа (4,7 метр атрофида) чоп эта олади.

KYOCERA



Янги принтер худди турдош қурилмалар каби 300dpi ечимга эга, бироқ унинг устуңлиги каллаги иккиталигида — бу бир йўла қоғознинг ҳар иккала томонига ҳам чоп этиш имконини беради.

Яна бир афзаллиги бу принтернинг икки хил рангда ишлай олишидир.

Алоқа оламида

Ушбу сонда:

■ Қонун лойиҳаси муҳокомада	2
■ Ўрганишларда маълум бўлдики...	4
■ Сотрудников почты обучили работе на АИС «Учет выплаты пенсий и пособий»	6
■ АРМларга янги адабиётлар	12
■ Лондон Олимпиадасида Ўзбекистон байроғи кўтарилиб, мадҳияси янгради	15
■ Фарғона: Таълимда АКТдан фойдаланиш	16

Теледастурлар, спорт, сканворд

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 август кун Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси билан АҚШ ўртасидаги сиёсий маслаҳатшуварларнинг учинчи даврасида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Америка давлат ташкилотлари ва хусусий компаниялари вакиллари билан иборат инфузули делегация раҳбари, АҚШ Давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкни қабул қилди.

Учрашувда икки томонлама муносабатларнинг муҳим соҳаларидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Лондон шаҳрида бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида юксак натижаларга эришган спортчиларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан "Сурштирув ва дастлабки терговни юришда суд назоратини кучайтириш" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Янамада суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг самардорлигини юксалтириш, судга қадар иш юритиш босқичида суд назоратини ташкил этиш муаммолари ҳамда халқаро тажриба, шунингдек, бошқа долзарб масалалар тўғрисида фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш қўмитаси томонидан ташкил қилинган матбуот анжуманида давлат мулкни бошқаришни ислох этиш масалалари муҳокама этилди. Тадбирда давлат мулкига эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш билан боғлиқ долзарб масалаларни тартибга солувчи "Давлат мулкни бошқариш тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши ҳозирги вақтда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шартли экани таъкидланди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Халқаро молия корпорацияси ва Жаҳон банки ҳамкорлигида давра суҳбати ўтказилди. Унда тижорат банклари, молия-кредит ташкилотлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар мутахассислари, халқаро молия институтлари экспертлари иштирок этди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида "Ягонасан, муқаддас Ватан!" тилловининг якуний босқичи ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Якуний босқичда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар тизимида ғолиб бўлган 32 нафар истеъдод соҳибни ўз қўшиқлари билан иштирок этди.

Хитой Халқ Республикасида нашр қилинадиган "Контимост" журналида "Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат" сарлавҳали мақола чоп этилди. Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳиятига бағишланган мазкур мақолада журналист Сун Цзинининг мамлакатимиздаги тарихий шаҳарлар бўйлаб ижодий сафаридан олган таассуротлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Қонун лойиҳаси муҳокамада

Қарши шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Қашқадарё вилоят ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг очиқлиги — уларнинг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг муҳим омили" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси, ташкилот, муассасалар ахборот хизмати ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбати оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазмун-моҳияти, аҳамияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация техноло-

гиялари масалалари қўмитаси аъзоси Шухрат Дехқонов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими Собир Шукуров мавзу доирасида сўзга чиқиб, фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Тадбирда аҳолининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишини янада яхшилашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, улар фаолиятининг очиқли-

гини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ахборот хизматлари фаолияти самардорлигини ошириш ҳамда жамоатчилик билан алоқаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар хусусида сўз борди. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг веб-сайтларини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасидаги ишлар ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси хусусида тушунчалар берилди. Унинг мақсади, принциплари ва бошқа жиҳатлари тўғрисидаги нормалар бандмабанд муҳокама этилди. Иштирокчилар томонидан ушбу қонун лойиҳаси бўйича таклиф, тавсия ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг
Қашқадарё вилоятидаги мухбири

Ассалом, мактаб!

Яна санокли кунлардан сўнг энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллик тўйини катта шодиёна билан нишонлаймиз. Бу қутлуг санга ҳозирлик барча жойлардаги каби филиалимизда ҳам аллақачон бошлаб юборилган.

Жумладан, филиалимизда август ойи бошидан ҳар шанба, якшанба кунлари ҳашар уюштирилиб, корхона ҳудуди чиқиндилардан тозаланди, корхона ичи ва ташқарисидаги керакли жойлар таъмирланди, дарахтлар оқланди.

Янги ўқув йили ва мустақиллик байрами муносабати билан 15 август кунини 1-синфга чиқувчилар учун "Ассалом, мактаб!" байрам тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда 16 нафар ходимимиз ва уларнинг мактабга қадам қўяётган фарзанд-

лари иштирок этдилар. Тадбирда Ўзбекистон Ёшлар театри артистлари томонидан "Катта сичқон ови" деб номланган мусикали театрлаштирилган сахна кўриниши болажонларга намойиш этилди. Қизиқарли ўтган тадбир сўнггида болажонларга портфел тўла ўқув анжумлари ҳамда ширинликлар тарқатилди, кўрсатилган бундай эътибордан болажонлар ва уларнинг ота-оналари жуда хурсанд бўдилар ва ўз навбатида раҳбарият ва филиал касаба уюшмасига миннатдорликларини билдиридилар.

— Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсадимиз битта, у ҳам бўлса келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етишларига қўмаклашиш, қолаверса, ходимларимизнинг меҳнат самардорлиги юқори бўлишига эришишдан иборат, — дейди филиал касаба уюшмаси қўмитаси раиси Дилшод Усмонов.

Шунингдек, "Огоҳлик — давр талаби" шиори остида 31 июл кунини ҳам тадбир бўлиб ўтди. Тадбирни "Султон хожи" жоме масжиди имом хатиби Абдулхамид Жуманов ҳамда Республика маънавият тарғиботи маркази Шайхонтоҳур тумани бўлими мутахассиси Бобурмирзо Охунновлар олиб бордилар. Тадбирда турли диний оқимлар ҳақида тушунчалар берилди. Ислам дини одамларни доимо яхшиликка, эзгу ишларга қорлаб келгани туфайли асрлар мобайнида юксак маънавият ва миллий анъаналаримиз мустаҳкамланишига хизмат қилаётганлиги ҳақида сўз юритилди. Тадбир мазмунли ўтди, ходимларимиз ўзларини қизиктирган саволларга жавоб олдилар.

Махмуда АРИПОВА,
"Бош Коммутиция Маркази"
филиали ходими

"Темур тузуклари" ҳарбий қисмда

Бобур номидаги Андижон вилоят ахборот-кутубхона маркази Андижон гарнизони тасарруфидаги ҳарбий қисм билан ҳамкорликда ўтказган давра суҳбати "Темур тузуклари"га бағишланди.

53371-ҳарбий қисмда ўтказилган "Темур тузуклари" ҳарбий қисмда мавзусидаги давра суҳбатида Андижон Давлат университети "Ўзбек адабиёти" кафедраси катта ўқитувчиси В.Шаҳобов, "Нуроний" жамғармаси "Ёшлар билан ишлаш" гуруҳи раиси Қ.Абдураимовлар иштирок этдилар.

Давра суҳбатида АДУ "Ўзбек адабиёти" кафедраси катта ўқитувчиси В.Шаҳобов Соҳибқирон Амир Темур саркардалиқ фаолиятининг ўзига хос муҳим жиҳатлари, бу борада ҳарбийлар учун тарихий аҳамиятга эга "Темур тузуклари" рисоласида қайд этилган қўшиннинг тузилиши, қуролланиши, ҳарбий санъати ҳақида гапириб бер-

ди. Хусусан, унинг жанг олдида сафга тизилиши ва жойлаштирилиши ҳақидаги маълумотлар ниҳоятда қimmatли эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

"Нуроний" жамғармаси "Ёшлар билан ишлаш" гуруҳи раиси Қ.Абдураимов ўз навбатида Соҳибқироннинг ёшларга ибрат бўладиган жиҳатлари ҳақида гапириш баробарида, унинг тарихда қолдирган Ватан, оила, бунёдкорлик, бурч ва салокатта оид ҳикматли фикрларидан келтириб ўтди.

Тадбир якунида ҳарбий қисмнинг тарбиявий ишлар бўйича бошлиқ ўринбосари, майор Ж.Бозоров иштирокчиларни ва меҳмонларни яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллик шодиёнаси билан қутлаб, тадбир иштирокчиларига самимий миннатдорлик билдириди.

Нигорахон ЙЎЛДОШЕВА,
Бобур номидаги Андижон вилоят
АКМ етакчи кутубхоначиси

ФАКТ

Самарқанд вилоятида анъанавий интернетдан фойдаланувчилар сони 295,7 минг, мобил интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 700 минг нафарни ташкил этади. Вилоят ҳудудида фаолият юритиб келаётган 15та телекоммуникация оператори ва интернет провайдерлари томонидан интернет хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилган. Вилоятда 1163та умумтаълим мактаби, 137та академик лицей ва касб-хунар коллежлари, 8та олий таълим муассасаси "ZiyoNET" таълим тармоғига уланган.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Салкам олти аср аввал Хазрат Навоий орзу қилган минглаб Фарҳоди Ширинлар сув чиқарган чўлу саҳролар бугун боғу бўстонга айлангани афсоналарнинг чинга айлангани эмасми? Бугун Буюк Ипак йўли ўтган қадим Маликчўл саҳроси бағрида ташкил этилган Эркин иқтисодий индустриал зонада ўнлаб мана ман деган хорижий давлатлар билан ҳамкорликда фаолият юритаётган қўшма корхоналар аллақачон ўз маҳсулотларини четга экспорт қилишга улгурди. Чўл осмонда парвоз қилаётган ҳаво лайнерлари Дехли,



Тинчлик қанот бўлсин, Ўзбекистонга!

Бангкок, Мумбай, Милан, Сеул, Брюссел, Дубай каби ривожланган шаҳарлар билан ишонч йўлларини боғлаётганлиги, улуғ аждодларимиз орузлари ижобатининг ибтидоси эканлиги аини ҳақиқатдир. Юртбошимиз йил бошида 2012 йил мамлакатимиз иқтисодиётини юқори босқичга кўтарадиган йил бўлади, деб таъкидлагани бежиз эмас. Мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасидаги улугвор ва улкан бунёдкорлик ишлари ана шу улуг мақсадга етаклаётганлигига барчамиз гувоҳимиз ва бунга ўз ҳиссамизни қўшаётганлигимиздан мамнунмиз.

Бу шукроналикни нафақат ўзбек, балки Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир миллат фарзанди қалбига жойлаганини кўриш бизга янада ифтихор бағишлайди. Фикримизга Ўзбекистон билан боғланган тақдирдан миннатдор замондошларимиздан бири, Зарафшон шаҳрига сафаримиз чоғида бизга ҳамроҳлик қилган оддий хайдовчи йигитнинг сўзлари ҳам гувоҳлик беради.

“ЎЛСАМ, АЙРИЛМАСМАН КҮЧОҚЛАРИНГДАН...”

— Бундан бир неча йиллар аввал, тақдир тақозоси билан болалигимда оиламиз билан Қизилқумга, Зарафшон шаҳрига кўчиб келганмиз, — дейди Озарбайжонда туғилган, ўзбек тилимизни ўзимиздан даяроғли ва тоза талаффуз қиладиган йигит Элмон. — Ҳозир бу юрт менга туғилган туғроғимдан ҳам азизроқ бўлиб қолди. Чунки бу ерда камолга етдим, қанча содиқ дўстлар орттирдим, энг муҳими, ҳаётда ўз йўлимни топдим.

Йўл бўйи юртимиздаги ўзгаришлар, мустақиллик берган имкониятлар ҳақидаги суҳбатимиз кизиқди.

— Тақдиримизни шу бепоён чўллар билан боғлаб хато қилмаганмиз, меҳнат қилиб қўша-қўша уй ҳам, машиналар ҳам, нимани орзу қилган бўлсак, ҳаммасига эришдик. Ота-онам меҳнат кишиси. Улар ҳам меҳнатидан, тақдиридан, шу юртда эъвоз топанганидан мамнун, энг муҳими, биз фарзандларининг келажагидан хотиржам. Мен Озарбайжонда туғилган бўлсам ҳам, Ватаним деб, Ўзбекистонни тан олганман. Чунки туғилган туғроғим Боқуга борсам, дарров Ўзбекистонни соғиниб қоламан. Тезроқ кадрдон Зарафшон шаҳрига қайтишга шошиламан. Афсонавий тоғлар ҳавосидан кўра мени кўпроқ Қизилқумнинг иссиқ меҳри, юзлари офтобда қорайган бўлса ҳам кўнгиллари ок, меҳрибон одамларнинг самимийлиги ўзига тортади. Ватан меҳри шу бўлса керак. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон меннинг Ватаним дейишга ҳаққим бор. Ўлсам ҳам бу юртдан айрилмайман...

Саҳро бағридаги сарҳадсиз кенгликларни ёриб бораётган текис йўлда оҳиста

юраётган “Ласетти” рулини ифтихор билан бошқараётган, ҳар куни қанча-қанча йўловчиларни Навоий-Зарафшон, Зарафшон-Навоий йўналиши бўйича ўз манзилларига етказиб қўяётган бу озар йигити Ўзбекистон ҳақидаги фахру ифтихор туйғуларини тақдорлардан чарчамайди. Яққа тадбиркор сифатида ҳалол меҳнат қилиб топган нони, молу давлати, энг аввало, одамлар ўртасида топган ҳурмат-эътибори билан фахрланади. “Ўзбекистонда шундай имкониятлардан фойдаланаётган ҳар бир киши фахрланса, истиқлолга шукрона келтирса арзийди”, — дейди у.

Шундай пайтда меҳнатдан келадиган бойликка ишонмайдиган, омади юришмай қолган айрим замондошларимизнинг кулоққа чалинган нолиши ёдимизга тушади.

Бенхтиёр кўз ўнгимизга жисмоний имконияти чекланган бўлишига қарамастан, Ватанга садоқатини метин иродаси



Бу шукроналикни нафақат ўзбек, балки Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир миллат фарзанди қалбига жойлаганини кўриш бизга янада ифтихор бағишлайди.

билан намоён бўлган, Ўзбекистон номини, шарафини ҳимоя қилишда ўз маҳорати билан дунёга ўзбек спортчилари доғруғини таратишга муносиб ҳисса қўшаётган ҳамюртимиз, хатирчилик Мирзохид Шарипов намоён бўлади. У спортнинг армрестлинг-кўл кураши бўйича 7 карра Жаҳон чемпиони, 15 карра Осиё ва Европа чемпиони ҳамда 12 карра Ўзбекистон чемпиони сифатида ғолиблик шохсупасидан жой олган. Америка, Япония, Польша, Жанубий Африка, Эрон, Италия, Канада ва Буюк Британия каби ўнлаб чет мамлакатларда Ўзбекистон байроғи кўтарилганда қувончдан кўз ёшларини яшира олган бу йигит 47та медалга сазовор бўлган. Шундан 36таси олтин медал эканлиги буюк ифтихорга лойиқ. Ўзбекистон белгиси кўкрак нишонини соҳиби, Халқаро тоифадаги спорт устаси, деган юксак номларга муносиб деб топиладиган иккинчи гуруҳ ногирони ҳар гал мусобақаларда иштирок этаётганда шундай юртда яшаётганидан, унинг ютуқларига ўз ҳиссасини қўшаётганидан мамнунлигини ифода

этади. Тақдирдан нолимай бахтга, омадга интилаётган, спорт сахнасида бир кўли билан қўлтиқатёққа суяниб, иккинчи қўлини кўксига қўйиб унинг шарафига янграётган она юртимиз мадҳиясини гурур билан тинглаётган ҳамюртимизга ҳаммиша зафар ёр бўлсин, деймиз.

Бу юртда яшашнинг ўзи бахт. Ундан узоқлашганларни меҳр ришталари боғлаб туради. Тошкентдаги мусиқали фаввора ёнига ҳар куни келиб, соатлаб дам олаётган аёл бир вақтлар Тошкентнинг эски шаҳрида яшаган йилларидан, ўзи меҳнат қилган кадрдон ишхонасидан кўнгил узоқмаган, тақдир тақозоси билан Америкага кўчиб кетган бўлса ҳам Ўзбекистонни соғинади.

— Америкада ҳамма нарса бор, — дейди у. — Аммо Ўзбекистондаги самимий ва беиминнат меҳр-оқибатни ҳеч ердан тополмайси. Ана шу меҳр мени ҳар йили Ўзбекистонга етаклайди ва ҳар гал бу юрт туғроғига қадам қўяр эканман, ўзимни бахтиёр ҳис этаман. Бир вақтлар ўзим яшаган уй ёнидан ижарага уй олиб, Тошкентнинг сўлим кўчаларини соғиниб, бетакрор фаввораларини энгикиб томоша қилишдан баҳра оламан. Ўзбекистоннинг бебаҳо неъматлари — ширин-шарбат меваларидан тўйиб ейман. Мен ўзбек бўлсам ҳам, Ўзбекистон билан бахтиёр эканлигимни ҳис қиламан... Ўзбекистон меннинг бахтим, тақдирим...

...ВАТАН ОСТОНАДАН БОШЛанаДИ

Ватанга меҳр эса она суги билан қалбга сингади

Демак, Ватан оиладан бошланади. Кадрдонлардан бирининг туғилган кунида кутловларимизни ширин суҳанлар билан, Хайём, Фузулий ва бугунги адабиётимиз намояндаларининг дилбар сатрлари билан ифода этдик. Аммо давранинг энг жажжи меҳмони — хали болалар боғчасига ҳам боришга улгурмаган митти қизалоқнинг табрик сўзи ҳаммани лоқ қолдирди. У Ўзбекистонимиз Давлат мадҳиясини ёд айтганида, даврадаги олимлар ва зиёлиларнинг юраги гурурга тўлди. Ватаниннинг остонадан бошлангани шу эмасми? Митти юракда туғилган Ватан меҳри эмасми бу? Ҳар бир оилада ана шундай фарзандлар ўсса, Ватан меҳри билан камолга етса, бундай юртни ҳеч қандай куч ҳам, ҳеч қайси ёғни ҳам енга олмайди...

Йилимизга Мустаҳкам оила йили деб ном берилди. Оила мустаҳкамлиги зами-

рида Ватан мустаҳкамлиги мужассам. Оила қачон мустаҳкам бўлади? Фарзандлари билимли, имонли, меҳрли, оқибатли, дунё таниган, юртга фидойи бўлган оила қасри ҳеч қачон бузилмайди... Бу тарихнинг ҳулосаси, ҳаётнинг икроси.

МИЛЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ МЕҲР Барча ютуқларимиз ва тинчлигимиз гарови

Инсоният цивилизациясининг барча босқич ва кўренишларида инсон эркинлиги, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатлик, ҳар бир миллат ва элнинг ўзига хос кадриятини ҳурмат қилиш юксак ўрин тутди. Мамлакатимизда асосий эътибор инсон ҳуқуқларига, инсон кадр-қиммати, шаънига ҳурмат билан қарап, миллатларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш, халқаро миқёсда тинчлик ва ҳавфсизликни сақлаш каби илғор ҳамда эзгу ғояларни қарор топтиришга қаратилган. Улуғвор мақсадларимизга эришяётганимизнинг асл сирини ҳам ана шунда.

Ўзаро ҳурмат ва кадр-қиммат бор жойда тинчлик барқарордир. Барча миллат ва эл вакиллари ўзларини эркин ва бахтиёр ҳис этишлари учун бизда ҳамма шароит яратилган. Буни биргина мисол билан исботлаш мумкин. Агар Ўзбекистон умумтаълим мактабларида 7та тилда таълим бериш жорий қилинган бўлса, шундан 6та тилда таълим олишга кўп миллатли Навоий вилоятида амал қилинмоқда. Демак, ҳар бир миллатнинг тилига ҳурмат мужассам. Масалан, Қонимех туманида бор-йўғи 100 нафар ўқувчиси бўлса ҳам қорақалпоқ тилида таълим берадиган бутун бошли алоҳида мактаб фаолият юритаётганлиги, ўз она тилида таълим олишни истовчиларга катта имконият яратилганлиги, барча миллат вакиллари бирдек эътибор ва ҳурмат намунаси, миллатлараро тоғрувлик қафолати эмасми?

Еки Ватанимизнинг энг юксак мукофоти — “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвонига сазовор бўлган биргина навоийликлар орасида нафақат ўзбеклар, украин, рус ва қозоқ миллати вакиллари борлиги ўзбек туғроғида ҳалол меҳнат қилаётган юртга фидойи барча миллат вакиллари ҳукуматимиз бошига кўтаряётгани, улар ҳизматини олий даражада кадрлаётгани намунаси эмасми?

Бугун улкан имкониятлар ва эзгу мақсадлар чорраҳасида турган Ўзбекистонга тинчлик қанот бўлсин!... Кўнгил орузлари фидо Ватанга! Қўтлуғ қўнларга ёруғ юз билан етаверайлик!

Маруся ХОСИЛОВА,
“Xabar”нинг
Навоий вилоятидаги мухбири

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Наманган филиалида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги "2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизда хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорига асосан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилиб, замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда янги хизмат турлари жорий этилган. Почта алоқаси хизматларини яхшилаш бўйича филиал томонидан кўплаб ишлар амалга оширилиб келинмоқда, лекин, шунга қарамасдан, почта алоқаси хизматларини ташкил этишда айрим камчиликлар ҳам учраб турибди.

Ўрганишларда маълум бўлдики...

2012 йилнинг ўтган етти ойи давомида почта алоқаси хизматлари кўрсатилиши сифатини назорат қилиш мақсадида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Наманган филиалининг алоқа бўлимлари орқали 76 дона оддий ва 76 дона буюртмали назорат хатлари жўнатилди.

Почта алоқаси объектлари томонидан ушбу хатларни қабул қилиш, ишлов бериш ва олувчиларга етказиб берилиши таҳлил қилинганда, почта алоқаси ходимлари томонидан 27та ҳолатда хатларни қабул қилишда турли камчиликларга йўл қўйилганлиги, 7та ҳолатда хатлар олувчиларга назорат муддатлари кўпол равишда бузилиб етказиб берилганлиги ҳамда 6та ҳолатда умуман хатлар олувчиларга етказиб берилмаганлиги маълум бўлди.

Наманган вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Наманган филиалида ўтказилган мониторинг натижасида ҳар ойда истеъмолчилардан хат-хабарларни қабул қилиш ва уларни етказиб беришда юқорида қайд қилиб ўтилган ҳолатлар сабабларини ўрганиб чиқиш ва келгусида бундай камчиликлар такрорланишининг олдини олиш, шу билан бирга, истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш учун тавсиялар бериб келинмоқда. Шунга қарамасдан, Наманган филиали раҳбарияти истеъмолчилардан хат-хабарларни қабул қилиш, ишлов бериш ва уларни олувчиларга етказиб бериш жараёнига панжа орасидан қараб, юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларга тақдор ва тақдор йўл қўйиб келмоқда. Филиал раҳбарлари томонидан доимий равишда бир хил камчиликларга йўл қўйиб келаётган масъул ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрилмапти. Бу эса истеъмолчиларнинг почта алоқаси хизматларига ҳақли эътирозларига ҳамда мурожаатлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

2012 йил март ойида фуқаро Т.Логунова Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Наманган вилояти ҳудудий бошқармасига ва вилоят Давлат алоқа инспекциясига ўзининг манзилига юборилган буюртмали хатлар етиб келмаётганлиги, шунингдек, икки дона буюртмали билдиришномалар унинг розилигисиз қўшнисига берилганлиги, Наманган филиали раҳбарияти томонидан унинг мурожаатлари кўриб чиқилмаётганлиги, мурожаатларига белгиланган тартибда жавоб берилмаётганлиги юзасидан мурожаат қилди.

Наманган вилояти ҳудудидagi шаҳарлараро магистрал оптик толали алоқа кабеллари муҳофаза қилиш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилган амалий ишларга қарамасдан, айрим юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги "Телекомму-

никация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 210-қарори талабларининг бузилишига йўл қўйилмоқда. Ўз хатти-харақатлари ва масъулиятсизлиги ёки амалдаги тартиб-қоидаларни пиланд қилмай алоқа линия ва иншоотларига жиддий зарар етказётган ва бунинг оқибатида алоқа хизматида узилишлар юзага келишига сабабчи бўлаётган кимсалар ҳам учрамоқда.

Ўз хатти-харақатлари ва масъулиятсизлиги ёки амалдаги тартиб-қоидаларни пиланд қилмай алоқа линия ва иншоотларига жиддий зарар етказётган ва бунинг оқибатида алоқа хизматида узилишлар юзага келишига сабабчи бўлаётган кимсалар ҳам учрамоқда.

си томонидан иккита буюртмали хатнинг хабарномалари ҳеч қандай ҳужжатларсиз ва олувчининг рўзилигисиз қўшнисига берилганлиги, бу билан "Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари", "Почта қоидалари" ва "Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимида мурожаатларни кўриб чиқиш, ҳисобга олиш ва улар бўйича ҳисобот тузиш тартиби тўғрисида йўриқнома" талаблари бузилганлиги маълум бўлди.

Вилоятда шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш, аҳоли тураржойлари шароитларини тубдан яхшилаш, муҳандислик-коммуникация тармоқлари, шунингдек, аҳолига энг замонавий технологиялар асосида телекоммуникация ва юқори тезликдаги интернет хизматларини кўрсатиш борасида ҳаётга изчил татбиқ этилаётган дастурлар амалга оширилаётган бир даврда аҳолига сифатли телекоммуникация хизматларини кўрсатишга тўсқинлик қилувчи ва истеъмолчиларга узлуксиз хизматлар кўрсатишга ҳалақат бераётган ҳолатларнинг учраб туриши ачинарли ҳолдир.

Наманган вилояти ҳудудидagi шаҳарлараро магистрал оптик толали алоқа кабеллари муҳофаза қилиш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали олиб борилган амалий ишларга қарамасдан, айрим юридик ва жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги "Телекомму-

никация линиялари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 210-қарори талабларининг бузилишига йўл қўйилмоқда. Ўз хатти-харақатлари ва масъулиятсизлиги ёки амалдаги тартиб-қоидаларни пиланд қилмай алоқа линия ва иншоотларига жиддий зарар етказётган ва бунинг оқибатида алоқа хизматида узилишлар юзага келишига сабабчи бўлаётган кимсалар ҳам учрамоқда.

Жумладан, жорий йилнинг июн ойида "Хайрулло спорт сервис" хусусий фирмаси томонидан Наманган шаҳар, Оромгоҳ кўчасидаги пиёдалар ўтиш йўлагининг тагидан ўтган ер ости алоқа линияси химоя зонасида тегишли идоралардан рухсатнома олмасдан қазилган ишларини амалга оширилиши натижасида ер ости алоқа коммуникациясидан ўтган оптик толали алоқа кабелларида узилишлар содир этилган. Июл ойида эса фуқаро Аюб Алимов ва экскаватор ҳайдовчиси Шокиржон Икромов томонидан Наманган шаҳар, Чортоқ айланма йўлида ер ости электр линиясини ўтказиш учун ўзбошимчилик билан қазилган ишлар амалга оширилиши натижасида ер остидан ўтган алоқа линиясига шикаст етказилган, натижада телекоммуникация операторлари томонидан мижозларга кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифатида пасайишлар кузатилган.

"Хайрулло спорт сервис" хусусий фирмаси масъул шахсига ва фуқаролар А.Алимов ва Ш.Икромовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 154-моддаси "Алоқа йўллари ва иншоотларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш" ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий жазо чоралари қўлланди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини кўриқлаш қоидалари"да телекоммуникация линия ва иншоотларини жойлаштириш, алоқа коммуникацияларини кўриқлаш, алоқа коммуникациялари трассаларидаги кўриқлаш зоналарида ишларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда мазкур қоидалар талабларини бузган шахсларга нисбатан жавобгарлик чоралари ва етказилган зарарни қоплаш белгиланганлигини яна бир бор эслатиб ўтиш ўринли бўлади деб ўйлаймиз.

**Юсуфхон ИШАНОВ,
Наманган вилояти
ДАИ бошлиги**

АТ-хабарлар



Лондон олимпиадаси Twitter ижтимоий тармоғи фойдаланувчилари орасида оғнинг энг оммавий мавзуси бўлди. Мазкур тармоқ маълумотларига қараганда, сайтда олимпиадага доир 150 млн.дан ортиқ қисқа хабар қолдирилган. Ямайкалик Усейн Болт энг кўп муҳокама қилинган спортчига айланди. Унинг номига, 200 метрга югуришда олтин медални қўлга киритгач дақиқасига 80 мингта, 100 метрлик учун олтин медалга эга бўлгач дақиқасига 74 мингта қисқа хабар келиб тушган.

Твиттерчилар орасида футбол (5 млн.та хабар), шунингдек, сузиш, гимнастика ва волейбол юқори мавқега эга экан.



Ўтган бир йил ичида жаҳонда мобил телефонлар савдоси 2,3 фоизга пасайиб кетган. Gartner компаниясининг жорий йил дастлабки икки чорагига доир таҳлиллари шунга кўрсатмоқда.

Мобил телефон ишлаб чиқарувчилари орасида етакчи учликни Samsung, Nokia ва Apple банд этиб турибди, ZTE ва LG Electronics пешқадамларни таъкиб қилмоқда.

Амалиёт тизимлари орасида Android (64,1 фоиз) ва iOS (18,8 фоиз) салмоқли ўринга эга.



Янги аккумуляторлар бор-йўри 20 сонияда қувват олади.

Иллинойс университети тадқиқотчилари ишлаб чиққан мазкур янгиликда зарядланган ионларнинг баъзареяда қанчалик тез ҳаракат қилиши муҳим эмас, бунинг ўрнига муҳандислар ионлар ва электродлар оралигини қисқартиришди: бу зарядни тезроқ узатиш имконини беради. Мософани яқинлаштириш мақсадида тадқиқотчилар "юқори структуралли катод" ҳам яратишди.



Қимматбаҳо аппаратларга ихтисослашган Motorola Mobility компанияси яқинда шунга боғлиқ яна бир жиддий мақсадни ошкор қилди: тез орада 4000та иш ўрни қисқартирилади. Компания баёнотида кўра, ишсиз қоладиганларнинг 25 фоизи америкаликлар, қолганлари хорижликлардир.



IBM компанияси Африкадаги илк тадқиқотлар лабораториясини очди. Қитъа тараққийига ишонч билан қарайётган компания кўплаб африкалик мижозлар орттирмоқчи ва бунга заминини хозирданок тайёрлашга киришиб, Кения пойтахти Найробида R&D-ваколатхонасини ишга туширди.



Йирик контент етказувчи тармоқлар оператори — Akamai 2012 йилнинг биринчи чорагига доир ҳисоботини тайёрлади. Akamai тармоқлари айни даврга келиб интернетда 238 мамлакатга қарашли 666 млн.та IP-манзил ишлаб турганини қайд этди.

Ҳисоботда кўрсатилишича, ҳозирга келиб жаҳон бўйича кенг полосали улашлар ўртача тезлиги 2,6 Мбит/с.ни ташкил этади, бу ўтган йилгидан паст кўрсаткичдир.

Худди ўтган йилги каби бу йил ҳам интернетга энг яхши уланган давлат Жанубий Кореядир. Бу ерда мижозлар учун тақдим этилаётган кенг полосали улаш ўртача 15,7 Мбит/с.га тенг. Кейинги ўринларда Япония (10,9 Мбит/с.), Гонконг (9,3 Мбит/с.), Нидерландия ва Латвия (8,8 Мбит/с.дан).

Улар Жаҳон чемпионатига боришади!

Компютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Турнирнинг очилиши

11 август куни пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Компютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати — Uzbekistan Cyber Games Beeline 2012 финалига старт берилди. Мусобақаларнинг очилишида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Хуршид Мирзахидов иштирок этиб, финал босқичи иштирокчиларига муваффақият тилади.

Чемпионат икки босқичда бўлиб ўтди. Июнь-август ойлари арафасида биринчиликнинг худудий саралаш турнирлари Бухоро, Самарқанд, Қарши, Нукус ва Тошкент шаҳарларида ўтказилди. Ушбу саралаш турнирларида ғолиб чиққан е-спортчилар финал босқичида медаллар учун баҳс олиб борди.

"Мана 10 йилдирки, биз мунтазам равишда компютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионатини ўтказиб келамиз, бироқ илк бор бу даражага эришдик, — дейди чемпионат ташкилий кўмитаси раҳбари Александр Сучков. — ЎзААА ва Фонд Форум, "Келажак овози" ЁТМ каби нуфузли ташкилотлар, шунингдек, "Билайн" томонидан кўрсатилган ҳомийлик ва ташкилий кўмак туфайли миллий биринчилик бу йили Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Қарши ва Нукусда худудий турнирларни ташкил қилиш билан кенг қўламда ўтказилди. Шунинг ҳисобига мусобақаларда бутун мамлакат бўйлаб қарийб икки минг нафар компютер ўйинлари усталари иштирок этдилар".

Ўзбекистоннинг энг кучли е-спортчиларини жамлаган чемпионат энг оммавий ҳисобланган тўртта компютер ўйини бўйича ғолибларни аниқлади.

Булар:

Counter Strike 1.6 жамоавий ўйини

Dota All Star 5x5 жамоавий ўйини

NFS Most Wanted

FIFA 2011 ўйинларидир.

Ушбу тўрт йўналишда медаллар тўплами учун кураш кечган бўлса-да, фақат икки тур бўйича (Counter Strike 1.6 ҳамда FIFA 2011) World Cyber Games 2012 Жаҳон чемпионатига йўлланмалар ажратилди. Чунки айнан ушбу ўйинлар Хитойда ўтадиган Жаҳон чемпионати расмий ўйинлари қаторига киритилган.

Мурасиз баҳслар

Мусобақаларга тўхталадиган бўлсақ, Dota All Star 5x5 жамоавий ўйини баҳслари биров аввалроқ, Тошкент шаҳри босқичи доирасида бўлиб ўтганди. Фақатгина финал учрашуви 11 август куни ўтказилди. Финалда Comeback (таркиби: Роман Сағдиев, Вугар Байрамов, Тимур Ражапов, Дмитрий Токарев, Виктор Югай) ҳамда YS (таркиби: Бобур Нахимбеков, Абдор Хусанов, Абдували Шамсутдинов, Ислон Саидмахсумов, Сухроб Норбўтаев) жамоалари кураш олиб борди. Мурасиз кечган баҳс YS жамоаси ғалабаси билан якун топди.

Шундай қилиб, Dota All Star 5x5 жамоавий ўйинида биринчи ўринни YS, иккинчи ўринни Comeback, учинчи



ўринни Night clan жамоалари эгалладилар.

NFS Most Wanted ўйинида ҳам асосий баҳслар Тошкент шаҳри худудий саралаш босқичи доирасида бўлиб ўтган эди. Ўзбекистон чемпионати финалида фақат 1 ва 2-ўринлар учун баҳс ташкил этилди. Ушбу пойга баҳсида рақибдан кўра маррага тезроқ етиб келган Кирилл Елхимов чемпионликни қўлга киритди. Али Юсупов чемпионатнинг кумуш медалига, Олег Яковлев эса бронза медалига эга бўлди.

FIFA 2011 ўйинида кураш янада кизгин кечди. Чемпионатнинг худудий саралаш турнирларида ғолиб чиққан жами 8 нафар иштирокчи чорак финалдан баҳсларга киришди. Ярим финалга қадр Отабек Хайдаралиев (Тошкент), Кирилл Тўлаганов (Тошкент), Абдор Рустамов (Фарғона), Сулаймон Бахриев (Бухоро)лар етиб келишди. Қизилқарли, тактик курашларга бой кечган учрашуларда "Челси" жамоалари билан тўп сурган Отабек Хайдаралиев ва Кирилл Тўлагановлар "Реал" жамоалари билан баҳсларга киришган Абдор Рустамов ва Сулаймон Бахриевларни мағлубиятга учратишди.

Медаллар учун кечадиган баҳслар учтадан ўйиндан иборат этиб белгиланди. Учинчи ўрин учун фарғоналик ва бухоролик "футболчи" учрашди. Биринчи учрашувида Сулаймон Бахриев йирик ҳисоб билан ғолиб бўлди. Аммо кейинги икки ўйинда сўнгги дақиқаларда тўп ўтказиб юбориб, чемпионатнинг бронза медали учун кечган баҳсни фарғоналик рақибига бой бериб қўйди.

FIFA 2011 финал баҳси тажрибали Кирилл Тўлаганов ва чемпионатда илк бор иштирок этаётган ёш е-спортчи Отабек Хайдаралиев ўртасида кечди. Баҳсни катта экран орқали кузатаётган 100га яқин мухлис финалчиларни қўллаб турди. Отабек ўйинни қутулмаганда ўта шиддат билан бошлади. "Чел-

Компютер ўйинлари бўйича 2012 йилги Ўзбекистон чемпионатига якун ясалди. Унда мамлакатимиз бўйлаб 2000 нафардан ортиқ геймерлар иштирок этдилар, улардан 36 нафари медал ва совғаларга эга бўлди.

си" жамоаси одатда қарши ҳужум тактикасида жуда самарали ўйин кўрсатади. Отабек эса илк дақиқалардан ҳужумкор 4-3-3 тактикасини қўллади ва кетма-кет икки тўп киритиб, ишончли тарзда ҳисобда олдинга чиқиб олди. Аммо тажрибали Кирилл, ёш рақибдан фарқли ўларок, биринчи бўлимни асосан рақиб тактикасини ўрганишга сарфлади. Сўнг шиддатли қарши ҳужумлар орқали кетма-кет голлар киритди. Биринчи учрашувда у рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Иккинчи учрашувда ҳам катта қийинчиликсиз ғалабани қўлга киритган Кирилл Тўлаганов чемпионат олтин медалини қўлга киритди. Отабек Хайдаралиев кумуш, фарғоналик Абдор Рустамов бронзага сазовор бўлди.

Энг шиддатли баҳслар оммавий ҳисобланган Counter Strike 1.6 ўйини жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Куръа-

га кўра илк ўйиндаёқ чемпионатнинг энг кучли икки — Тошкентнинг Storm ва Just жамоалари ўзаро дуч келиб қолишди. Ютқазган жамоа биринчи баҳсданок чемпионатни тарк этиши лозим эди. Шу сабабли йиғилганлар кескин кураш гувоҳи бўлишди. Куръанинг бундай чиқиши вилоятлардан келган жамоалар аъзоларини хурсанд қилгани аниқ. Чунки кучилардан бири мусобақани тарк этиши уларнинг медалларга бўлган имкониятини оширар эди. Якунда шундай бўлди ҳам. Чемпионликни Storm жамоаси қўлга киритган бўлса, кумуш медални Андижоннинг MIUZ жамоаси (таркиби: Сардор Ижонжаонов, Шерзод Алимов, Азиз Тожибоев, Машхур Ҳамидов ва Машхур Абдурахмонов) қўлга киритди. Биринчиликнинг бронза медаллари Тошкентнинг Impact жамоаси аъзоларига nasib этди.

Тақдирлаш маросими

12 август куни Ёшлар ижод саройида Uzbekistan Cyber Games Beeline 2012 Компютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

UCG Beeline 2012нинг барча ғолибларига чемпионат медалларидан ташқари бош ҳомийдан совғалар берилди: смартфонлар ва "Билайн" 3G Wi-Fi роутерлари. Мукофотларни ЎзААА Бош директори Хуршид Мирзахидов, "Ўзбектелеком" АК бош директори Махсум Маҳмудов ва "Келажак овози" ЁТМ лойиҳаларининг мувофиқлаштирувчиси Абдуҳаким Абдураимов тақдим этди. Хитойда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатига йўлланмаларни FIFA 2011 ҳамда Counter Strike 1.6 ғолиблари "Юнител" МЧЖ бош директори Андрей Сафроноқдан қабул қилиб олдилар.

Шундай қилиб, компютер ўйинлари бўйича 2012 йилги Ўзбекистон чемпионатига якун ясалди. Унда мамлакатимиз бўйлаб 2000 нафардан ортиқ геймерлар иштирок этдилар, улардан 36 нафари медал ва совғаларга эга бўлди. Мусобақалар якунлари бўйича Жаҳон чемпионати финалида иштирок этадиган миллий терма жамоа шакллантирилди. Ташкилотчилар олдида турган навбатдаги асосий вазифа — шу йилнинг ноябр ойида Хитойнинг Куншан шаҳрида бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатига пухта тайёргарлик кўриш ва Ўзбекистон шарафини жаҳон киберспорт аренасида муносиб ҳимоя қилишдан иборат. Бу йўлда терма жамоамиз аъзоларига муваффақиятлар тилаб қоламиз!

Лутфилло ТУРСУНОВ



СОКРАЩЕНЫ СРОКИ

ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ ДОСТУПА СУБЪЕКТОВ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА К ТЕЛЕФОННОЙ СЕТИ

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 18 июля 2012 года "О мерах по дальнейшему кардинальному улучшению деловой среды и предоставлению большей свободы предпринимательству", 30 июля 2012 года принят приказ УзАСИ "О внесении изменения и дополнения в Правила оказания услуг телефонной связи на сети телекоммуникаций обще-

го пользования", который зарегистрирован в Министерстве юстиции Республики Узбекистан 31 июля за №1323-2.

Изменение предусматривает сокращение сроков работ по обеспечению доступа субъектов предпринимательства к телефонной сети, т.е. работы по обеспечению доступа субъектов предпринимательства к телефонной сети будут выполняться в течение 10 дней.

Согласно предыдущему порядку, ранее этот срок не должен был превышать 30 дней с даты подачи заявления при наличии технической возможности и 180 дней с даты заключения договора подряда при отсутствии технической возможности, с учетом прокладки недостающих линий связи за счет заявителя.

Aci.uz

СОТРУДНИКОВ ПОЧТЫ ОБУЧИЛИ

РАБОТЕ НА АИС «УЧЕТ ВЫПЛАТЫ ПЕНСИЙ И ПОСОБИЙ»

В ОАО "Узбекистон почтаси" начаты учебно-практические занятия для работников Общества и филиалов "Тошкент почтамити" и Ташкентской области с участием представителей ООО "Fido Biznes" — разработчиков программы "Автоматизированной информационной системы учета выплаты пенсий и пособий" (АИСВПП).

Учебно-практические занятия проводились с 10 по 13 августа для специалистов и сотрудников, занимающихся непосредственным учетом и контролем выплаты пенсий и пособий, и эксплуатацией АИСВПП.

В ходе занятий слушатели получали практические навыки и знания по настройке, эксплуатации и работе в АИСВПП, также по обмену информацией с аналоговой информационной системой АИС "Пенсия" внебюджетного Пенсионного фонда Министерства финансов Республики Узбекистан.



pochta.uz

АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ ШЛЮЗОВ

В СЕТЯХ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИИ И ИНФО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ


Сегодня специалисты сферы телекоммуникации и ИКТ (инфо-коммуникационных технологий) очень даже часто пользуются термином "шлюз". И в действительности шлюзы ещё больше входят в системы связи и стало больше пользоваться в современных сетях телекоммуникации. Целью данной статьи является анализировать и изучить функциональные возможности "шлюзов" в сети.

В вычислительной терминологии, шлюз находится между частной и другой сети. Функции шлюза осуществляется либо часть специального оборудования или компьютер под управлением программного обеспечения шлюза. Она направляет трафик в сеть и из сети, и он может блокировать определенные категории общения. А также предназначен для защиты частной сети, защищая ее от вредоносного трафика от внешнего мира и предоставления или отказа в доступе к компьютерам в сети к более широкому миру. Шлюзы и маршрутизаторы могут быть объединены. Работа маршрутизатора заключается в пересылке пакетов данных с одного компьютера на другой по сети.

Одна из функций шлюза является преобразование между разными протоколами. Шлюз должен действовать в соответствии со стандартами обеих сетей. Из-за этой двойной роли, шлюз может выступать в качестве переводчика между двумя сетями, если они работают на разных стандартах сетей. Шлюз можно реализовать как прокси-сервер. Есть два типа прокси-сервера: вперед и назад. Обратный прокси-сервер является шлюзом, который принимает входящие со-

единения от имени сетевого оборудования выступающей внешних клиентов.

Автоматизированная процедура фоновой ретрансляции недостаточно четко определяет аспекты преобразования протоколов. Тем не менее необходимость в использовании обособленного устройства ретрансляции отпадает. Концентратор-коммутатор выполняет все функции преобразующего протокольного шлюза второго уровня. В качестве альтернативы устройствам исключительного второго уровня (таким, как транслирующие мосты и концентраторы-коммутаторы) можно рассмотреть устройство третьего уровня: маршрутизатор. Маршрутизаторы достаточно долго использовались в качестве локализованной магистрали локальной сети. Поскольку маршрутизаторы объединяют локальные сети в глобальные, они поддерживают стандартные интерфейсы локальных сетей. Сконфигурированный корректным образом, маршрутизатор без проблем осуществляет преобразование несоответствующих типов кадров. Однако устройства третьего уровня в обязательном порядке обращаются к таблицам маршрутизации. Эта функция возложена на программное обеспечение.



Такие устройства второго уровня, как коммутаторы и концентраторы, выполняют все необходимые процедуры аппаратно, что позволяет в значительной степени повысить быстродействие.

В первоначальной реализации Internet термин шлюз (gateway) относился к маршрутизатору. По этому, сегодня многие считают маршрутизаторы шлюзами. Разновидности и названия шлюз (Gateway)ов смотря месторасположения и функции в сети могут быть разными.

В настоящее время существует три категории шлюзов:

- Шлюзы протоколов;
- Шлюзы приложений;
- Шлюзы безопасности.

(security gateways), или брандмауэры (firewalls).

Различают три типа шлюзов безопасности (брандмауэров):

- Фильтры пакетов;
- Линейные (circuit) шлюзы;
- Шлюзы приложений.

Кроме того зависимо от согласующих сегментов могут встречаться GSM-шлюзы новой технологии выхода в мобильные сети, GSM-шлюз к корпоративной АТС. Туннельные, шлюзы протоколов второго уровня, шлюзы ограниченного применения, и.т.д.

Полный анализ современных, сложных, многофункциональных, мощных, высокоскоростных, преобразователей протоколов (рисунок 1) разной технологии, многопроцессорных компьютеров (шлюз), вкратце описать невозможно.

Но шлюзов в дальнейшем стоит и

"БИЛАЙН" ПРЕДЛАГАЕТ СЕРВИС "АБИТУРИЕНТ-2012"

Услуга "Абитуриент-2012" дает возможность узнать набранное количество баллов при поступлении в вуз.

При помощи услуги "Абитуриент-2012" абонентам "Билайн" предоставляется возможность с помощью SMS-сообщений узнать набранное количество баллов при поступлении в вузы Республики Узбекистан. Для получения необходимых сведений нужно отправить SMS-сообщение с номером листа ответов на номер 5151.

Сервис также позволяет узнать конкурс на любое направление обучения в вузы страны. Для этого нужно отправить SMS с кодом интересующего направления обучения на номер 5151.

Все исходящие сообщения на номер 5151 стоят 0,75 доллара, входящие сообщения с этого номера бесплатны.

Услуга предоставляется совместно с контент-провайдером Zava Mobile.

Срок действия услуги — с 10 августа по 31 августа.

Преамбула длиной 7 октетов	Октет «ограничитель начала кадра»	«Адрес получателя» длиной 6 октетов	«Организационный адрес» длиной 6 октетов	Поле длины данных два октета	Поле длины переменной длины 46-1482	Контрольная последовательность кадра длиной в 4 октета
Начальный ограничитель длиной 1го октета	Поле управления доступом длиной одного октета	Поле управления кадром длиной одного октета	«Адрес получателя» длиной 6 октетов	«Организационный адрес» длиной 6 октетов	Поле длины переменной длины (от 0 до 4099 октетов)	Конечный ограничитель длиной в 1 октет

Рисунок 1. Стандартный механизм доступа к среде передачи данных в случае использования совместимых со стандартом 802 кадров.

требуется изучать ещё глубже, потому что сегодня они являются одним из основных и главных элементов глобальной сети нового поколения (NGN).

На рубеже XXI-го века с IP Multimedia Subsystem (IMS или) элемент Softswitch представлен Media Gateway Controller (MGC) элементов, а термин "Softswitch" редко используется в контексте IMS. Скорее, это называется и AGCF (Access Gateway Control Function) функциональное устройство управления доступом шлюзов.

Поскольку сетевое пространство постоянно расширяется, все больше и больше приложений будут работать в открытых сетевых системах. Не исключено возможность использования этими приложениями различных протоколов, поэтому роль шлюзов преобразования протоколов сложно переоценить. Увеличивающаяся конфиденциальность открытых сетевых протоколов привела к необходимости использования шлюзов безопасности. Функционируя на уровнях приложений, линий и протоколов, брандмауэры в состоянии обеспечить необходимую уровень безопасности.


Вне зависимости от типа и способа реализации шлюзы на данный момент являются неотъемлемым компонентом любой сети, позволяющим осуществить качественный переход к новым параметрам производительности.

У. ИСКАНДАРОВ,
старший преподаватель ТУИТ,
Б. АЗИЗОВ,
студент 3 курса ТУИТ

Хабар +tv

2012-йил 17-август
33 (1039)-сон


ДУШАНБА — 20 АВГУСТ




5:55 Кӯрсатувлар дастури.
6:00 Ассалом, Ўзбекистон!
7:00 Одам ва одам дастури: Замин паройботлари.
7:15 Иқлим.
7:20 Кўнгли қушиқ истайди.
7:30 Ҳаёт қушлари. Т/с.
8:00 Тақдирнома.
8:40 - 9:45 Миланинг дастури.
9:45 Моҳир кўлар.
9:55 Иқлим.
10:00 Теле Театр: "Оқибат".
10:45 Саломатлик сирлари.
11:00 "Авборот".
11:00 "Элчи кушлари".
11:10 "Қирғиққонининг саргушпарлар", М/с.
11:35 Иқлим.
11:40 "Икки дарё оралиғида".
12:00 Ассалом, Ўзбекистон!
12:50 Кўнгли қушиқ истайди.
13:00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллиги.
Эрон ва обод Ватан.
13:20 "Ватанлар".
14:00 "Авборот".
14:15 Миллий кино: "Кечинки ҳаёт".
15:35 Иқлим.
15:40 "Ҳаёт дунё".
16:10 Жаҳон мусиқаси хазинасида.
Менделсон.
16:40 Ўзбекистон табиати.
17:00 "Авборот".
17:10 "Умр заволи".
17:25 "ТВ - шифокор".
17:30 Эртаскилар - ҳолишиққа етаклар.
17:40 "Кўнгли қушиқ истайди".
18:10 "Ватан манзиллари".
18:25 Миллий сериал: "Умр манзиллари".
19:00 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллиги.
Эрон ва обод Ватан.
19:25, 20:00, 20:55 Эълонлар.
19:30 "Авборот" /рус/.
20:05 "Оттин мерос".
21:10 Миллий сериал: "Лола".
21:00 "Авборот".
21:40 "Ихтилоф - динга иштира".
22:00 "Ишбарнома хоним". Т/с.
22:45 Иқлим.
22:50 "Денгиз буриси". Т/с.
23:35 "Одам ва одам дастури: Замин паройботлари".
23:50 "Авборот" /рус/.
23:58 Кӯрсатувлар дастури.
00:00 "Ватан манзиллари".
00:15 Миллий сериал: "Умр манзиллари".
00:50 "Кўнгли қушиқ истайди".
1:00 "Авборот" /рус/.
1:30 - 2:25 "Миланинг дастури".
2:25 Миллий сериал: "Лола".
3:00 "Оттин мерос".
3:00 Ассалом, Ўзбекистон!
4:00 "Авборот".
4:40 Теле Театр: "Оқибат".
5:20 "Саломатлик сирлари".
5:35 "Ўзбекистон табиати".
5:50 "Ўзбекистон".

6:00 "Ватан мевдари".
6:10 "Сехри қулар".
6:30 "Биз кинематограф".
6:50 "Пазил".
7:30 "Мультиантарома".
8:00 "Ҳил-Ҳукаят".
8:20 "Умиднинг сулуғлари". Т/с.
8:50 "Ешдик наволари".
9:10 "Жаҳон гули". Т/с.
9:50 "Ўз.ЕХ".
10:00 "Қамолот-инфо".
10:10 "Ҳо-ми-сех".
10:40 "Эртакилар оламиди".
12:00 "Такрирларим, Ватаним".
12:10 "Овчилар". Т/с.
13:00 "Давр".
13:10 "Такси". Б/ф.
14:30 "Ешдик наволари".
14:50 "Шош-пуши қашиқлар".
15:10 "Мерсаюр қиз". Т/с.
16:00 "Давр".
16:10 "Арсона ва ҳарикат".
16:30 "Учиндиги сулуғари". Т/с.
17:10 "Давр мавдари".

17:30 "Пингвин". Б/ф. 1-қисм.
18:50 "Ўз.ЕХ".
19:00 "Давр".
19:30 "Жаҳон гули". Т/с.
20:00 "Авборот мавдари".
20:40 "Довоқар". Т/с. Премьера.
21:30 "Ешдик наволари".
21:50 "Истиқлол солиқлари".
22:00 "Давр".
22:20 "Омад". Б/ф.
22:30 "Ватан мевдари".
02:10 "Ешдик наволари".
03:30 "Давр".
03:40 "Арсона ва ҳарикат".
1:20 "Давр мавдари".
1:40 "Шош-пуши қашиқлар".
2:00 "Арсунлар". Т/с.
3:30 "Жаҳон мусиқаси".
3:50 "Муқаддас дунё".
5:30-6:00 "13-ғуна".




6:00 Кӯрсатувлар дастури.
6:05 "Сулҳон". Б/ф.
7:30 "Салом, Тошкент!".
8:30 Тошкент тароналари.
8:45 "Истиқлол".
9:05 "Ҳақиқат бистони".
9:10 "Интервью".
9:20 "Интеллектуал ақшони".
9:30 "Ҳайрат".
9:45 "Ифрат".
10:10 Миллий эстрада симфоник оркестрининг концерти".
10:25 "Ҳақиқат бистони".
10:30 "Ҳайрат". /рус/.
10:40 "Митинглар олдиси".
11:00 Миллий кино: "Енширди қовлариди".
12:30 "Бу ақиб дунё". теледастури.
13:00 "Салом, Тошкент!".
14:00 "Дунё". теледастури.
15:00 "Ҳайрат".
15:15 "Музаббат ва эҳтирос". Т/с.
15:35 "Тенгшар".
15:50 "Эко-пойтахт".
16:00 "Ҳаёт нуқтаси".
16:30 Тошкент тароналари.
16:45 Мулҳазарат: "Ака-ука Гримм эҷадлари". Т/с қисм.
17:10 "Бизнинг пойтахт".
17:15 "Ҳайрат йўлбариси".
17:30 "Ақсарлар".
17:35 "Қасим-Ҳоқирим".
17:55 "Муқаддаслик меннинг тақдирим".
18:40 "Ҳайрат".
18:25 "Интеллектуал ақшони".
18:35 Миллий сериал: "Одамлар оралиғи", 6-қисм.
19:05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 21 йиллиги олдиси:
"Эълонлар".
19:25 Тошкент тароналари.
19:40 "Теле-маркет".
20:00 "Ҳайрат".
20:25 "Жуман". Т/с. 115-қисм.
21:05 Тошкент тароналари.
21:20 "Интервью".
21:30 "Ҳайрат" /рус/.
21:50 "Теле-маркет".
22:10 "Эко-пойтахт". /рус/.
22:20 "Кино SMS со эъланими".
22:30 "Мужай весна". Х/ф.
00:00 Кӯрсатувлар дастури.
00:05 "Добро утро". Х/ф.
1:55 "Всё о туризме".
2:25 "Австралия". Д/ф.
3:20 "Уйларим".
3:25 "Бизнинг пойтахт".
3:30 Миллий кино: "Енширди қовлариди".
5:00-6:00 "Салом, Тошкент!".




6:00 "Хайрат тоғи".
6:10 "Саломат бўлиш".
6:30 "Қадамларимиз".
6:40 "Жаҳон спорт кудуқлари: Россия".
7:25 Болалар майдончаси: Тоғти гимнастика.
7:30 "Спортивашлар". Мультифилм.
8:00 ХАБАРЛАР.


8:30 "Саломат бўлиш".
8:50 Футбол. Англия чемпионати. "Уинг" -- "Челси".
10:35 Япон спорт тур. Кендо.
11:15 Футбол. Англия чемпионати. "Манчестер Сити" - "Саутгемтон".
12:55 Ролларлар, интоқалар, репитинглар.
13:00 ХАБАРЛАР.
13:10 Болалар майдончаси: "Спортташлар". Мультифилм.
13:40 Велоспорт.
14:50 Теннис. ATP /WTA туринири.
